

## Мавлид ҳақида ўйлар (ўн тўққизинчи мақола)



14:00 / 27.10.2021 1543

### **Маҳалли қиёмда кузатиладиган хатолар:**

1. Маҳалли қиёмда туришни таъаббудий, диний амр деган тушунчага олиб келиш. Бу энг хатарли иш, энг ёмон бидъатдир. Бунинг олдини олиш учун аввало бу амалнинг келиб чиқишини, мазмун моҳиятини, ундан кўзланган мақсадни кишиларга етказиш керак. Унга унинг ўзига муносиб баҳо бериш лозим. Ортиқча гапнинг кераги йўқ. Шу билан бирга, буни доимий одат қилмай, ўрни келганда тарк этиб туриш керак бўлади.

2. Бу ишни ҳеч қандай тушунчасиз, турткисиз, кўр кўрона тақлид шаклида, шунчаки одат сифатида, онгсиз равишда амалга ошириш. Бу ҳам кўп учрайдиган ҳолат. Очиғини айтганда, бугунги кунда кўп жойларда маҳалли қиёмга туришнинг сурати бор у, руҳи йўқ, қобиғи бор у, мағзи йўқ. Шунинг учун бу иш ҳозир кўпчиликка ёқмайди, танқид қилинади. Агар

мавлидхонлар маҳалли қиёмда турмоқчи бўлишса, мажлис аҳлининг шу ишга қанчалик салоҳияти борлигини эътиборга олишлари, бу борада керакли таълимотларни тақдим қилиб, керакли вазиятни юзага келтиришлари керак. Бунга завқи етишмайдиган кишилар ўртасида бу ишни қилишга ҳожат йўқ. Акс ҳолда, натижалар ҳам аксинча бўлади.

3. Маҳалли қиёмда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг руҳлари кириб келади, деган эътиқодда бўлиш. Бу гап жуда кам учраса да, айрим жойларда ҳануз бор. Бу ҳеч қандай асосга эга бўлмаган, тамоман бидъат гапдир. Мабодо бирорта одам мен маҳалли қиёмда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрдим, деган тақдирда ҳам, бу гапнинг ўша одамдан бошқага тегишли жойи йўқ, шаръий тушунча маъносида ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Бу каби гапни айтиш, тарқатиш мутлақо жоиз эмас.

4. Маҳалли қиёмга туришга мажбурлаш. Баъзан мавлидда бош бўлиб турган кишилар ҳаммани маҳалли қиёмга туришга мажбурлашга ўтиб кетишади. Турмаганларни турли айблар билан айблаб, маломат қилиб, ҳатто уларнинг эътиқодига тил текказишади, ҳар хил лақаблар билан аташади, қандайдир фирқа аъзосига чиқариб ҳам юборади. Бу умуман нотўғри тасарруф. Бу нарса «Маҳалли қиёмда туриш вожиб экан да», деган тушунчага ҳам олиб келади. Бу эса жуда ҳам хатарли ишдир.

*(Давоми бор)*

**Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид**